

---

## **Рамазон – мәхр-саҳоват ойи! ИФТОРЛИК ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА**

Мана бир неча кунки, Президентимиз ташаббуси билан муборак Рамазон ойида инсонлар ўртасида хайру саҳоват ва мәхр-муҳаббат ришталарини янада мустаҳкамлаш мақсадида шаҳримиздаги маҳаллалар томонидан ифторлик дастурхонлари ёзилмоқда.

Хусусан бугун ҳам шаҳримиздаги "Ош маркази" ҳамда муҳташам "Висол" тўйхонасида навбатдаги ифторлик дастурхони ёзилди.

Шаҳримиздаги 1-сектор ҳудудидаги МФЙлар, шунингдек, "Терак таги", "Галатой", "Роҳат" ҳамда "Янги ҳаёт" маҳаллаларида яшовчи "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлилар дафтари"га киритилган кам таъминланган, эҳтиёжманд, ногиронлиги бор бўлган фуқаролар жам бўлган ушбу хайрия тадбирлари шаҳар ҳокимлиги ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди шаҳар бўлинмаси томонидан ўтказилди.

Ифторлик тадбири якунида нуронийлар юртимизга тинчлик, оиласаларимизга тотувлик, рўзғоримизга қут-барака тилаб дуога қўл очишиди.

2023-04-12 20:11:02